

НАЗИРОВ Мухтор Махмудович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар
кафедраси доценти в.б.,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

СОТРУДНИЧЕСТВО СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ С ПОСЛЕДСТВИЯМИ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА

COOPERATION OF CENTRAL ASIA COUNTRIES IN COUNTERING THE CONSEQUENCES OF CLIMATE CHANGE

Аннотация. Мазкур мақолада иқлим ўзгариши муаммоларининг глобал аҳамияти, табиий офатлар ва уларнинг оқибатлари кўриб чиқилади. Мақолада асосий эътибор Марказий Осиёдаги долзарб экологик муаммолар, жумладан минтақада сув тақчиллиги муаммоси таҳлил қилинган ва унинг ечими учун билдирилган таклифлар умумлаштирилган.

Калит сўзлар: иқлим ўзгариши, БМТ, Киото протоколи, Париж келишуви, Марказий Осиё, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, сув тақчиллиги

Аннотация. В данной статье рассматривается глобальное значение проблем изменения климата, стихийных бедствий и их последствий. Основное внимание в статье уделяется актуальным экологическим проблемам в Центральной Азии. В частности, была проанализирована проблема дефицита воды в регионе и обобщены предложения по ее решению.

Ключевые слова: изменение климата, ООН, Киотский протокол, Парижское соглашение, Центральная Азия, Международный фонд спасения Арала, нехватка воды.

Abstract. This article examines the global significance of the problems of climate change, natural disasters and their consequences. The article focuses

on current environmental problems in Central Asia. In particular, the problem of water shortage in the region was analyzed and proposals for solving it were summarized.

Keywords: climate change, UN, Kyoto Protocol, Paris Agreement, Central Asia, International Fund for Saving the Aral Sea, water shortage.

КИРИШ

2023 йилнинг 19 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессияси доирасида бошланган умумсиёсий мунозараларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Нутқда кўтарилган энг долзарб муаммолардан бири – **иқлим ўзгариши оқибатларига қарши кураш** ва бу борада Марказий Осиё давлатлари ўртасида самарали ва конструктив ҳамкорликнинг муҳим масалалари бўлди.

Президент таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилмоқда, сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни **иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучайиб бораётгани** қайд этилмоқда. Келинг, бу масалаларга батафсилроқ тўхталсак.

Иқлим ўзгариши муаммоси

Иқлим ўзгариши давримизнинг асосий муаммоси бўлиб, унинг ечими тарихнинг бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини тўхтатиш учун ҳали вақт мавжуд, аммо бу жамиятнинг барча соҳаларидан мисли кўрилмаган саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Бугунги кунда барча мамлакатлар глобал исиш таъсирида қолмоқда. Бироқ, унинг оқибатлари номутаносиб равишда камбағал ва заиф қатламлар ҳиссасига тўғри келмоқда ҳамда муаммо учун энг кам жавобгар бўлган мамлакатлар кўпроқ таъсир остида қолмоқда.

Дунё аллақачон тезкор ва муқаррар глобал исишнинг таъсирини бошдан кечирмоқда. Маржон рифларининг нобуд бўлиши, денгиз сатҳининг кўтарилиши, Арктикадаги денгиз музларининг эриши, биологик хилма-хилликнинг камайиши, ҳосилдорликнинг пасайиши, аномал иссиқликнинг кучайиши ва кучли ёғингарчилик шулар жумласидандир.

Мисол учун, глобал миқёсда об-ҳаво ва иқлим билан боғлиқ офатлар 2017 йилда **320 миллиард доллар** миқдорида зарар келтирган.

МУҲОКАМА

Соҳа мутахассисларининг фикрича, кам углеродли, барқарор ривожланишга ўтиш анъанавий ривожланиш йўллари билан солиштирганда 2030 йилга келиб 26 триллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри иқтисодий фойда келтириши мумкин.

“Охирги таҳлил шуни кўрсатадики, агар ҳозир ҳаракат қилсак, 12 йил ичида углерод чиқиндиларини камайтиришимиз ва глобал исишни Цельсий бўйича 1,5 даражагача чеклашимиз мумкин. Аммо ҳозир қилаётган ишимизни давом эттирсак, бу олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади”, – дейди БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш [3].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тизимидаги ихтисослашган халқаро ташкилотлар глобал иқлим ўзгаришининг олдини олишда марказий ўринга эга. Ташкилотнинг “**Act Now**” кампанияси – иқлим ўзгариши бўйича глобал ҳаракатга чақирувдир. Кампания БМТнинг хабардорликни ошириш, улкан мақсадларни белгилаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва Париж келишувини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларининг муҳим қисмидир. Асосан онлайн ва ижтимоий тармоқларда ўтказиладиган ушбу кампания истеъмол усулларини ўзгартириш орқали индивидуал ҳаракатларни ўргатиш ва рағбатлантиришга қаратилган.

БМТнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

1992 йилда қабул қилинган **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси** иқлим ўзгаришига қарши кураш йўлидаги биринчи қадамни белгилаб берди. Ҳозирги вақтда 197 давлат Конвенцияни ратификация қилган ва унинг иштирокчилари ҳисобланади. Конвенциянинг асосий мақсади “иқлим тизимида хавфли антропоген таъсир”нинг олдини олишдир.

Киото протоколи

1995 йилда мамлакатлар иқлим ўзгаришига қарши глобал жавоб чораларини кучайтириш бўйича музокараларни бошладилар. Икки

йил ўтгач, Киото протоколи қабул қилинди. Ушбу ҳужжат ривожланган мамлакатлар – Протокол иштирокчиларига иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш мажбуриятини юклади. Биринчи мажбурият муддати 2008 йилда бошланган ва 2012 йилда якунланган. Иккинчи давр 2013 йил 1 январда бошланди ва 2020 йилда тугади. Киото протоколида 192 та давлат иштирок этди.

Париж келишуви

БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси иштирокчилари конференциясининг 21-сессиясида иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва барқарор паст углеродли ривожланишга эришиш учун зарур бўлган ҳаракатларни фаоллаштириш бўйича муҳим келишувга эришилди. Париж келишуви Конвенция мандатига асосланади ва тарихда биринчи марта барча халқларни иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича қатъий чоралар кўриш ва ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун бирлаштиради. Париж келишувининг асосий мақсади – бу асримизда глобал ҳароратнинг ўсишини 2°C даражасида ушлаб туриш учун иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича глобал ҳаракатни кучайтириш ва ҳатто бу кўрсаткични 1,5°C гача камайтиришга ҳаракат қилишдир.

Париж келишуви БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида 2016 йил 22 апрелида, Халқаро она Ер кунида 175 давлат раҳбарлари томонидан имзоланган. Бу бир кун ичида халқаро шартнома имзолаган давлатлар сони бўйича рекорд кўрсаткичдир [3].

2019 йил сентябрь ойида БМТ Бош котиби ташаббуси билан ўтказилган иқлим бўйича Саммитда иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилишда муҳим бўлган асосий соҳалар сифатида *огир саноат, табиатга асосланган ечимлар, шаҳарлар, энергетика ва иқлимни молиялаштириш* тилга олинди.

Иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва уларнинг оқибатлари

Жаҳон Метеорология Ташкилотининг (ЖМТ) сўнгги ҳисоботлари олимларнинг 50 йил олдин билдирган хавотирларини тасдиқлайди: иссиқхона газлари, айниқса, қазиб олинadиган углерод чиқиндилари Ернинг нормал иқлимида зарарли ўзгаришларга олиб келади.

Бундай ўзгаришлар аллақачон юз бермобда ва бу салбий тенденция XXI асрнинг иккинчи ярмида ҳам давом этиши мумкин. Атмосферада бир мунча вақт сақланиб қоладиган асосий иссиқхона гази бўлган карбонат ангидриднинг ҳозирги юқори концентрацияси туфайли денгиз сатҳининг кўтарилиши ва музликларнинг эриши узоқ давом этиши кутилмоқда.

Карбонат ангидриднинг атмосферанинг куйи қатламларини исишига таъсири биринчи марта 1894 йилда швед физиги Сванте Аррениус томонидан кашф этилган. Бироқ, XX ва XXI-асрларда аҳолининг кескин ўсишини ва кўмир, нефт ва табиий газнинг интенсив истеъмол қилинишини на у, на бошқа ҳеч ким тасаввур қила олмаган.

Ўнлаб йиллар давомида тўпланган илмий далиллар шуни кўрсатдики, иқлим ўзгаришини юмшатиш, айниқса қазиб олинadиган ёқилғи сарфини камайтириш ва ўрмонларни кесишни тўхтатиш инсоният ва биосферанинг узоқ муддатли фаровонлигини таъминлаш учун жуда муҳимдир.

Иқлим ўзгаришининг энг ёмон сценарийларини олдини олиш учун бир қатор ижобий қадамлар ҳам қўйилди. Қуёш ва шамол энергияси, иссиқлик насослари, электр ва биоёқилғи билан ишлайдиган транспорт воситалари ва тўйимли озиқ-овқатлар каби янги юмшатиш технологиялари мавжуд. 32 давлат сўнгги 15 йил ичида чиқиндиларни муваффақиятли қисқартиришга эришди ва уларнинг иқтисодиёти ўсишда давом этмоқда.

БМТнинг Глазго шаҳрида ўтказилган 2021 йилги иқлим ўзгариши бўйича конференциясида (2021 йил 31 октябрь - 12 ноябрь) ҳиссасига глобал чиқиндиларнинг учдан бир қисми тўғри келадиган “Катта Еттилик” (G7) ва Европа Иттифоқи давлатлари биргаликда глобал исишни 1,5°C чегарасидан паст даражада ушлаб туриш мажбуриятини олди. Йигирматалик гуруҳининг (G20) қолган мамлакатлари, шу жумладан БРИКС мамлакатлари (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка) ҳиссаси глобал иссиқхона газлари чиқиндиларининг деярли ярмини ташкил қилади. Афсуски, бу давлатлар ҳалигача Париж келишувига мувофиқ иқлим исишини 1,5°C - 2,0°C гача чеклаш мажбуриятини олмаган. Бироқ, 2022 йилда Мисрда ва 2023

йилда Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган иқлим конференцияларида янада улкан иқлим мақсадларини белгилашга қаратилган муҳокамалар давом этди.

ЖМТнинг экстремал об-ҳаво, иқлим ва сув ҳодисаларидан ўлим ва иқтисодий йўқотишлар атласига кўра, сўнгги 50 йил ичида об-ҳаво билан боғлиқ офатлар оқибатида иқтисодий йўқотишлар кескин ошган. Кариб ҳавзасида кузатилганидек, битта довул мамлакатнинг йиллик ялпи ички маҳсулотини 800 фоизга қисқартириши мумкин. Африкада қурғоқчилик ва тошқинлар туфайли йиллик ЯИМнинг қисқариши 20 фоизгача бўлган [4].

Иқлим ўзгариши ва табиий офатларнинг кўплаб оқибатлари сув тошқинлари, кучайган бўронлар, қурғоқчилик, музликларнинг эриши ва денгиз сатҳининг кўтарилиши туфайли қирғоқ чучук сув ресурсларининг шўрланиши каби сув билан боғлиқ ҳодисаларда ўз аксини топади. Охирги 20 йил ичида 2 миллиард одам йирик вайрон қилувчи сув тошқинлари, 1,5 миллиард киши қурғоқчилик ва 700 миллион киши ҳалокатли тропик бўронлардан азият чекди. 2021 йилда тошқинлар бир қанча мамлакатларда, жумладан Бельгия, Хитой, Германия ва Ҳиндистонда минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлди. Кучли қурғоқчилик ва ўрмон ёнғинлари Бразилия, Канада, Россия ва АҚШга таъсир кўрсатди.

Сўнгги 20 йил ичида музликларнинг эриши кескин ошди. Антарктида ва Гренландиядаги йирик музликларнинг эриши яқин асрларда денгиз сатҳининг бир неча метрга кўтарилишига олиб келади. Алп тоғлари, Анд тоғлари, Ҳимолой ва Рокки тоғларида эриётган музликлар дунёнинг турли бурчакларидаги бир қанча йирик дарёлардан тоза сув таъминотини тўхташи билан таҳдид солмоқда.

НАТИЖАЛАР

Президент Ш.Мирзиёев нутқида *Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдидан энг заиф минтақалардан бирига айланаётгани* кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон томонидан Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида кўрилатган чоралар, Марказий Осиё минтақасидаги иқлим ўзгаришининг салбий таъсири ва сув билан таъминланганлик

даражасининг камайиш тенденциялари тўғрисидаги маълумотлар келтирилди [1].

Марказий Осиё давлатлари шундай экологик зонада жойлашганки, минтақадаги экологик муаммолар умумий характер касб этади. Ушбу муаммолар минтақавий, айримлари эса умумбашарий даражага кўтарилган. Минтақадаги ҳеч бир давлат ушбу муаммоларни якка ҳолда ҳал қила олмаслиги бунинг учун самарали ҳамкорлик, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар заруратини оширади.

Марказий Осиёда, жумладан минтақадаги бешта давлатда сув чекланган ресурс ҳисобланади. Қирғизистон ва Тожикистонда гидроэнергетика аллақачон муҳим энергия манбаи бўлиб, янги тўғонлар уни экспорт даромадининг асосий манбаига айлантириши мумкин. Дарё сувининг қуйи оқимида жойлашган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистонда кенг экин майдонлари суғорилади. Бироқ, айниқса, қишлоқ хўжалигида сувдан интенсив фойдаланиш сув ресурсларига босим ўтказмоқда.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида юқори оқимдаги гидроэнергетика ва қуйи оқимдаги қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда чекланган ресурсларни адолатли тақсимлаш долзарб масала ҳисобланади. Бу борада ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, сув учун рақобат кўпинча, айниқса, қуйи ва юқори оқимда жойлашган қўшни давлатлар ўртасида кескинлик манбаи бўлиш эҳтимоли катта. Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти сув билан боғлиқ минтақавий муаммоларни ҳал қилишда конструктив ёндашганидан кейин вазият яхшилана бошлади [6].

Марказий Осиёдаги асосий экологик муаммоларга атмосферани ифлосланиши, ичимлик суви, тупроқни шўрланиб бораётганлиги, ўта хавфли ядро чиқиндилар худудининг мавжудлиги, Орол муаммоси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, ер остидаги ичишга яроқли сув захиралари ҳақида тўхталсак, у ҳам йилдан-йилга камайиб яроқсиз бўлиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Ўзбекистондаги ер остидаги ичимликка яроқли сувнинг 35-38% техноген факторлар сабабли яроқсизланиб бормоқда. Бу тенденция бутун минтақага хос ҳисобланади.

Фойдаланиладиган экин ерларнинг шўрланиб яроқсиз бўлиб бориш муаммоси ҳам муҳим экологик муаммолардан ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, минтақадаги 15% яқин ерлар шўрланган.

Энди Орол муаммоси ҳақида тўхталсак, бу муаммо глобал характерга эга бўлиб, ҳали замонавий цивилизациялар тарихида мавжуд денгизни бутунлай қуриб тугаб кетиши ҳолати учрамаган. Афсуски, бугунги кунда Орол денгизида ана шу жараён давом этмоқда. Бир пайтлар ҳавзасининг катталиги жиҳатидан Каспий денгизи, Америкадаги Юкорикўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин тўртинчи ўринда турган Орол денгизи ўтган асрда она табиатга бўлган эътиборсиз муносабатларга яққол мисол бўлади. Афсуски, XX асрнинг 60-йилларида Марказий Осиёда суғориш каналлари катта кўламда барпо этилган. Амударё ва Сирдарё сув ресурсларини нотўғри тақсимлаш натижасида Орол денгизи қурий бошлаган. Бугунги кунда Орол суви 15 мартага камайиб 5,5 млн. га тузли қум худудлари ҳосил бўлган. Маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган майдонларнинг ҳар гектарига йил давомида 250, баъзи худудларга 500 килограммгача тузли чанг ёғилади. Қуриган денгиз тубидан бир йилда 15 миллиондан 75 миллион тоннагача чанг кўтарилади. Тузли бўронларнинг кенглиги 40 километрга, узунлиги 400 километрга етади [5; 142-6].

Минтақа давлат раҳбарларининг 1993 йил 4 январдаги Тошкент учрашувида Оролни қутқариш борасида ҳамкорлик қилиш келишиб олинди. Шу йили Қизил-Ўрда учрашувида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг 2023 йил 15 сентябрь куни Душанбе шаҳрида ўтган мажлисида таъкидлаганидек, **“Оролни қутқариш халқаро жамғармаси** – бу, аввало, Марказий Осиё мамлакатларининг глобал миқёсдаги энг ўткир муаммолардан бирини ечиш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик борасидаги ноёб тажрибасидир.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, Жамғарма сув ва экология соҳасида минтақавий

хамкорликнинг энг муҳим платформасига айланди.”

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Оролбўйидаги экотизимлар таназзули янада кучайишининг олдини олиш ва ижтимоий вазиятни яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги резолюцияси асосида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси ва Чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Сўнгги бир неча йил давомида Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар ўрмонзорлар яратилди. Яқин икки йилда яна 400 минг гектар яшил ҳудудлар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Орол фожiasi оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Оролбўйида биохилма-хилликни сақлаш учун 3,5 миллион гектардан ортиқ майдонда табиат парклари, кўриқхоналар ва давлат ҳимоя ҳудудлари яратилди [2].

Бугунги кунда Оролбўйи минтақасида кўриқланадиган ҳудудларнинг умумий майдони 4,6 миллион гектарни ташкил қилмоқда.

Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ва унинг ечими учун таклифлар

Бугунги кунда минтақамизда Сув хўжалиги бўйича Давлатлараро комиссия ҳамда “Амударё” ва “Сирдарё” хавзаси ташкилотлари сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш масалалари юзасидан келишиш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида вужудга келаётган музликлар эриши, табиий офатлар, шунингдек, шиддатли демографик ўсиш, урбанизация жараёнлари ва саноатлашув натижасида юзага келаётган техноген омиллар каби янги хавф ва таҳдидлар туфайли минтақада сув ва экология билан боғлиқ вазият ёмонлашиб бормоқда.

Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олди ҳамда бундан буён у тобора чуқурлашиб бораверади.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040

йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баробар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин.

БМТ маълумотига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилига 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 78-сессиясида таъкидлаганидек, “кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилди. Бу – дунёдаги ўртача исишдан икки карра кўпдир. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда минтақамиздаги иккита йирик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда.”

Дарҳақиқат, бу минтақамиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари:

- БМТ Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилиши,

- Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформаси яратилиши ва минтақамизда қабул қилинган Яшил тараққиёт дастури доирасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилишини қўллаб-қувватлади.

Бу борада **“Марказий Осиё иқлим мулоқоти”**ни жорий этиш ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг **“Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” резолюциясини** қабул қилиш ташаббусини илгари сурилди.

Шу боис Ўзбекистон Президенти мазкур ҳужжатнинг асосий мазмунини келгуси йил Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро иқлим форумида муҳокама қилиш таклифини илгари сурди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углерод нейтраллигига эришиш

ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича катта миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Охириги 7 йил мобайнида мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган 1 миллион гектардан ортиқ майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди. Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида сувни тежаш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда [2].

Сувни тежаш соҳаси Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб, бу борада минтақавий ҳамкорликни кучайтириш мумкин.

Ана шу масалаларнинг барчасини комплекс кўриб чиқиш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг Душанбе саммитида Марказий Осиё давлатларининг сув ресурслари, энергетика, экология ва иқтисодиёт вазирларининг доимий учрашувлари бўйича Минтақавий платформани таъсис этиш таклифи илгари сурди.

ХУЛОСА

Иқлим ўзгариши – бу сайёрамизнинг иссиқроқ ва беқарор бўлиб бораётган жараёни. Марказий Осиё ҳам бошқа минтақалар каби бу ўзгаришларнинг оқибатларини бошдан кечирмоқда.

Марказий Осиёда иқлим ўзгариши қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Биринчидан, ҳарорат тобора исиб бормоқда, бу эса сув захираларини камайтириши ва тупроқ сифатини ёмонлаштириши мумкин. Бу соҳада муҳим тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Иккинчидан, иқлим ўзгариши қурғоқчилик, музликларнинг интенсив эриши ва сув тошқинлари каби табиий офатларнинг частотаси ошишига олиб келиши мумкин. Бу қўшлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлиши, инфратузилманинг вайрон бўлиши ва яшаш шароитларининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Бироқ, бу муаммоларни ҳал қилиш учун имкониятлар мавжуд. Биринчидан, иқлим ўзгаришининг асосий сабаби бўлган иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш зарур. Бунга қуёш ва шамол энергияси каби қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш, шунингдек, қазиб олинадиган ёқилғидан фойдаланишни камайтириш орқали эришиш мумкин. Иккинчидан, иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича чора-тадбирлар, масалан, сув таъминоти ва тупроқни сақлашни яхшилаш, табиий офатларни бошқариш режаларини ишлаб чиқиш зарур.

Умуман олганда, Марказий Осиёда иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этиш учун иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш ва янги шароитларга мослашиш чораларини кўриш зарур. Келажакда аҳоли сонининг кўпайиши ва иқлим ўзгариши минтақанинг чекланган сув ресурсларига босим ўтказгани учун сувдан янада самарали фойдаланиш ва яқин ҳамкорлик зарур бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. 20.09.2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6677>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. 15.09.2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6662>
3. Борьба с изменением климата. <https://www.un.org/ru/aboutun/booklet/climate.shtml>.
4. Петтери Таалас. Изменение климата, стихийные бедствия и смягчение их последствий. 22.03.2022. <https://www.un.org/ru/173142>
5. Сирожов О., Назиров М. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг истикболлари ва имкониятлари. – Тошкент: ЎзХИА, 2021. – Б. 142.
6. Water in Central Asia: An increasingly scarce resource. https://www.europarl.europa.eu/thinktank/en/document/EPRS_BRI%282018%29625181
7. Water Resources in Central Asia: Challenges and Prospects. March 18, 2023. <https://www.undp.org/kyrgyzstan/speeches/water-resources-central-asia-challenges-and-prospects>